Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 24 ноябрь, пайшанба №173 (21.747) Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

23 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европа тикланиш ва тараққиёт банки директорлар кенгаши аъзоларидан иборат делегацияни қабул қилди.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Мамлакатимиз ислоҳотларнинг янги босқичига ўтган айни пайтда ўзаро алоқаларнинг янада кенгайиши фойдали эканини таъкидлади.

Делегация раҳбари жаноб Жак Ревердин самимий қабул ва Ўзбекистон тупроғида кўрсатилган меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдириб, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан республикамиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда кўмаклашиш тарафдори эканини қайд этди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари Б. Ҳамидов ва Қ. Ҳаққулов иштирок этди.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Р. ҲУСАНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Расулмат Ҳусанов Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 22 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ҳ. К. ЗАРИПОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йил самарали ижодий меҳнати, республикада цирк санъатини ривожлантиришдаги хизматлари ва жамоат турмушида фаол иштирок этаётганлиги учун Ўзбекистон халқ артисти Ҳаким Каримович Зарипов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

И. КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
1994 йил 23 ноябрь

ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Одатда Тошкент шаҳар хўжалигини қишга тайёрлаш ишлари баҳор ойларидаёқ бошланади. Лекин қиш келди дегунча яна ташвиш кўпаяди. Янги-янги муаммолар пайдо бўлади. Президентимиз Ислом Каримов 15 июлдаги Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида ҳам бу масаланинг муҳимлигига, унга масъулият билан ёндошмоқ зарурлигига эътиборни қаратган эди.

Шундан сўнг бу борадаги ишларда жонланиш рўй берди. Хусусан, 97 километр узунликдаги иссиқлик узатиш шоҳобчалари таъмирдан чиқарилди, 7 километр янги трасса қурилди. 400 га яқин уйнинг томи, 300 та уй капитал ремонт қилинди. 13 иншоотда профилактика ишлари амалга оширилди. Лекин бу ишлар етарли эмаслиги аён бўлиб қолди. Буни шаҳар бўйича 70 га яқин уйга, 3 та мактаб, 9 та даволаш муассасасига ҳозирга қадар иссиқлик берилмагани ҳам кўрсатиб турибди. Бундан ташқари, ҳозирнинг ўзидаёқ 287 маротаба қувурлар ёрилиб кетиш ҳоллари рўй бериб, кўплаб уйларга иссиқлик бериш вақтинча тўхтатилди, 306 та уйнинг подвалидаги қурилиш ишлари охирига етказилмади. Айниқса, 9 ва 12 қаватли уйларнинг подъездларидаги санитария аҳволи ачинарли ҳолатда, маҳаллаларда сув, канализация ўтказиш ишлари тугаллангач, асфальт ётқизиш чала қолган ҳолатлар кўп учрайди.

Тошкентда 22 ноябрь куни бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида ана шу — Тошкент шаҳар транспорт-коммунал хўжалигини қишга тайёрлаш тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Уни республика Бош вазири А. Муталов бошқарди. Мажлисда Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов, "Тошшаҳарйўловчитранс" давлат уюшмаси раиси Р. Файзуллаев, шаҳар туманлари ҳокимларининг мазкур масала юзасидан ахборотлари тингланди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар коммунал ва транспорт хўжалигини қиш мавсумига тайёрлаш ишлари талаб даражасида эмаслиги, баъзи уйлар, маориф ва соғлиқни сақлаш муассасаларига хануз иссиқлик берилмагани, транспорт ҳаракатидаги узилишлар шаҳар аҳлининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётгани таъкидланди.

Мажлисда шу нарса қайд этилдики, айрим туман ҳокимлари, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари шаҳар ҳокимлигига қишга тайёргарлик ишлари бажарилгани ҳақида сохта маълумот берганлар. Боз устига, ёлғон гапириш, ваъда бериб устидан чиқмаслик, арз билан келган аҳолига қўпол муомалада бўлиш ҳоллари кишиларни ранжитмоқда.

Республика Вазирлар Маҳкамаси вазиятни ўнглаш, шаҳар хўжалигини зарур ашёлар билан таъминлаш мақсадида керакли миқдорда маблағ ажратмоқда. Шаҳар ҳокимлиги ҳам бу борада кескин чоралар кўраётир. Чунончи, юқорида зикр этилган камчиликлар учун 2 туман ҳокими, 7 та ташкилот бошлиғи ишдан четлатилди, бир қанча мутасадди раҳбарлар қаттиқ огоҳлантирилди. Мажлисда коммунал хўжалигини қишга тайёрлаш ишларини шу ой охиригача тугаллаш борасида белгиланган чора-тадбирлар маълумот учун қабул қилинди.

Транспортни шаҳар ҳаётининг қон томири дейиш мумкин. Унинг ҳаракат мароми бузилса, шаҳар иқтисодиётига зарар етади. Айниқса, қиш фаслида транспорт воситаларининг ишдан чиқиши, одамларнинг бекатларда тўпланиб қолиш ҳоллари кўп бўлади.

Бу соҳада ҳам ишларни яхшилаш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, таъминот масаласини ҳал этиш борасида бирмунча тадбирлар амалга оширилаётгани мажлисда айтиб ўтилди. Чунончи, 8 та автобус корхонаси, 2 та таксомотор парки раҳбари янгиланди. 200 нафар ҳайдовчи қайта тайёргарликдан ўтказилиб, шаҳар транспорт корхоналарига ишга юборилди. Кейинги икки ой мобайнида 60 та янги троллейбус олинди, Германиядан сотиб олинган 250 автобусдан 50 таси яқин кунларда шаҳар аҳлига хизмат қила бошлайди. Улар сафига янги трамвайлар қўшилади. Мавжуд 1825 автобусдан 1437 таси қиш мавсумига тайёрлаб қўйилди.

Мажлисда Тошкент шаҳар коммунал ва транспорт хўжалигини қиш мавсумига тайёрлаш ишларини зудлик билан тугаллаш, бу соҳада меҳнат, ишлаб чиқариш ва молия интизомини мустаҳкамлаш, шаҳар аҳолисининг самарали ишлаши, кўнгилли ҳаёт кечириши учун барча шарт-шароитни яратиш юзасидан ҳокимлик, тегишли бирлашма, корхона, ташкилот раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди.

Мажлисда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов сўзга чиқди.

Мажлисда республика Бош вазирининг ўринбосарлари, алоқадор вазирлик, бирлашма, уюшма, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

(ЎзА).

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

МУДДАТ КЕЧИКТИРИЛАДИГАН БЎЛДИ

•Ал Қувайт. Россия Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Олег Давидов Ал Риадда Саудия Арабистони Россиянинг собиқ СССР қарзлари фоизларини тўлаш муддатларини анча кечиктиришга тайёрлигини айтди. Бу ерда гап Россия 1994 йилда Саудия Арабистонига тўлаши лозим бўлган 100 миллион доллар миқдоридаги собиқ СССР қарзлари фоизлари ҳақида бормоқда.

САДДАМ ҲУСАЙННИНГ ФАРМОНИ

•Қоҳира. Ироқ Президенти Саддам Ҳусайн мамлакатда хусусий қурилишларга лицензия беришни тўхтатишга фармон берди.

•Мисрнинг "Ал Аҳром" газетаси хабарига қараганда, бу фармон "Барча моддий ва молиявий ресурсларни" Ер юзидаги энг йирик масжидлардан бири қурилишига сарфлашни кўзда тутади.

Қурилажак масжид Маккадаги Ал Ҳарам, Марокашнинг Касабланка шаҳридаги Ҳасан IIнинг масжидидан сўнг шаклшамойил жиҳатидан жаҳонда учинчи шундай йирик иншоот бўлади.

ИШСИЗЛАР КАМАЙМОҚДА

•Таллинн. Расмий маълумотларга қараганда, Эстонияда меҳнатга яроқли аҳолининг 1,4 фоизи ишсиз.

Меҳнат бозори департаментининг маълумотларида қайд этилишича, ноябрь бошида ишсизлар сони 11766 киши бўлган. Бу бир ой аввалги кўрсаткичдан 600 нафар қам демакдир.

ЖАБРДИЙДАЛАРГА ТОВОН ПУЛИ ТЎЛАНАДИ

•Берлин. Мамлакат федерал ҳукумати собиқ ГДРнинг Бирлашган Социалистик Партияси етказган зарарни қоплаш учун жабрдийдаларга 250 миллион товон пули тўлади. Адлия вазири С. Лойтхойзер — Шнарренбергернинг таъкидлашича, йил охиригача унинг ҳажми 400 миллион маркага етади.

•Токио. Япония ҳукумати мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экологияга таъсирини ўрганиш билан шуғулланувчи махсус қўмита таъсис этиш ниятида. Унинг тавсиясига кўра, ҳукумат саноат ишлаб чиқаришининг атроф-муҳитга салбий таъсирини сусайтиришга эришишга интилади.

. Лекин, Жорий йилнинг январидан октябрь ойигача мамлакатнинг Хэнан вилоятида иқтисодий соҳага дахлдор қонунбузарлик юзасидан 1200 жиноий иш қўзғатилган.

Давлат хазинасига 45 миллион юан миқдоридаги ўмарилган маблағ қайтарилган.

САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

•БМТ. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Мозамбикда ўтказилган сайлов натижаларини қўллаб-қувватлади. Хавфсизлик Кенгаши Мозамбикдаги мухолиф тарафларни кўппартиявийлик ва демократия тизими тамойиллари асосида миллий яраш жараёнини давом эттиришга чақирди.

ФРАНЦИЯГА РАСМИЙ ТАШРИФ

•Париж. Болгария Президенти Желю Желев давлат ташрифи билан Францияга келди. Франция Президенти Франсуа Миттеран Болгария ўзаро фикрлашув асосида ички муаммоларни ҳал этаётгани, бу барча Болқон давлатлари учун намуна бўлиши мумкинлигини айтди.

РАБИННИНГ РАСМИЙ ТАШРИФИ

•Вашингтон. Расмий ташриф билан АҚШга келган Исроил бош вазири Исҳоқ Рабин Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтон билан учрашди. Ўзаро суҳбат чоғида Яқин Шарқда тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

АҚШ Давлат котиби Уоррен Кристофернинг Исроил ва Сурия ўртасидаги тинчлик шартномаси имзоланишини тезлаштириш мақсадида кўп ўтмай Яқин Шарққа бориши келишиб олинди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЭКИНЛАРНИ ПАЙҲОН ҚИЛИШГА ҚАРШИ КУРАШНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ғалла экинлари нобуд бўлишининг олдини олиш, уларнинг сақланишини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг назоратсиз қолиб, пайҳон қилиниши ҳолларига йўл қўймаслик мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ҳокимлари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжаликлар раҳбарлари қишлоқ хўжалик экинзорларида мол ва парранда боқиш, бу майдонлардан автотранспорт ёки қишлоқ хўжалик техникасининг ўтиши, мол ҳайдаб ўтиш ва экинларни нобуд қилиши мумкин бўлган бошқа ҳолларга қарши курашни кучайтирсинлар.

2. Экинзорларнинг эгаси бўлган ёки бу экинзорлар хусусий мулки бўлган хўжаликлар раҳбарларига ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари вакиллари билан ҳамкорликда экинзорларни пайҳон қилиш ҳолларини аниқлаш ҳамда бундай бузғунчиликка йўл қўймаслик мақсадида мунтазам равишда рейдлар ўтказиш топширилсин. Пайҳон қилиниши ўнғай бўлган жойларда кузатув постлари ўрнатилсин.

Экинларни пайҳон қилиш ҳоллари содир бўлганда мол, парранда, автотранспорт, қишлоқ хўжалик техникаси ёки экинни пайҳон қилган бошқа техника воситасининг эгалари тезлик билан аниқланиб, материаллар айбдорларни қонун ўрнатган тартибда моддий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш учун тегишли органларга топширилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, ташкилот ёки фуқароларга тегишли бўлган пайҳон қилувчи воситалар нобудгарчилик натижасида етказилган зарар тўла қоплангунига қадар эгасидан олиб қўйилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги экинзорларни пайҳон қилишнинг олдини олувчи долзарб зарур чора-тадбирларни кўрсин, пайҳон қилишнинг олдини олиш ишларини бажарувчи махсус постлар ўрнатсин, амалдаги қонунчиликка қатъий риоя қилган ҳолда бузғунчиларга нисбатан кескин чоралар кўрсин, экинзор пайҳон қилинган ҳар бир ҳол юзасидан биронта ҳам айбдорни жавобгарликка тортмай қўймасин.

5. Прокуратура ва ички ишлар органлари, маъмурий комиссиялар, судлар экинзорларни пайҳон қилиш ҳақидаги материалларни олиши билан тезда кўриб чиқсин, айбдорларга озодликдан маҳрум қилишга қадар қаттиқ жазо чораларини қўлласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси экинзорларни сақлашни таъминлашга қаратилган қонунчиликнинг бажарилиши юзасидан назоратни кучайтирсин.

7. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Б. Мустафоев, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари, ҳуқуқ-тартибот органлари, хўжаликлар ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари раҳбарлари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 21 ноябрь.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашда, мустақиллигимизни мустаҳкамлашда ички ишлар, суд, прокуратура, адлия идораларининг масъулияти каттадир.

Қаршида Қашқадарё вилояти фаолларининг йиғилиши бўлди. Унга вилоятдаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг, жамоатчилик ташкилотларининг вакиллари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, маҳалла кенгашлари ва фуқаролар йиғинларининг раислари таклиф этилди. Йиғилишда маъмурий идораларнинг фаолияти жиддий таҳлил қилинди.

Фаоллар йиғилишида Қашқадарё вилоят ҳокими Т. Хидиров сўзга чиқди.

(ЎзА).

ТАНИШИНГ: ПАРТИЯМИЗ НОМЗОДЛАРИ

1994 йил 25 декабрь якшанба — САЙЛОВЛАР КУНИ

Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органлари томонидан республика Олий Мажлиси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни ҳамда уларнинг тегишли сайлов округларидан номзодлари овозга қўйилиши лозим эканликлари тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқди.

Комиссия шу асосда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 11-ва 24-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Халқ демократик партияси, "Ватан тараққиёти" партиясининг юқори органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан Олий Мажлис депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олди.

Газетанинг 2-3-4-бетларида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан республика Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар рўйхати берилмоқда.

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий

ТИНГЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Кеча Тошкент Давлат университети қошидаги олий педагогика институтида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов билан учрашув бўлиб ўтди.

Биринчи котиб тингловчиларга — мазкур институтга малака ошириш учун келган жамлакатимиз олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчиларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларига илк бор кўп партиялилик асосида, демократик йўсинда ўтказиладиган сайловларнинг аҳамияти ҳақида, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг сайловолди тайёргарлик ишлари, партиямизнинг Сиёсий дастури тўғрисида сўзлаб берди.

У йиғилганларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Ислоҳот одимлари

НОН ЕТАРЛИ БЎЛАДИ

ДЕЙДИ ТОШКЕНТ НОН ВА ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ БОШ ДИРЕКТОРИ ФАРҲОД МАЛИКОВ

Қиш фасли бошланяпти. Бундай шароитда аҳолини энг зарур истеъмол маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, нон ва нон маҳсулотлари таъминотида узилиш бўлмаслиги керак. Хўш, мамлакатимиз пойтахти — Тошкентда бу борадаги аҳвол қандай бўлади?

— Нон ва нон маҳсулотлари етарли бўлади, — дейди Тошкент нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Фарҳод Маликов. — Ҳозир кунига корхонамизда 40 турдаги 50—60 тоннага яқин нон, патир, булочкалар, 15 тоннадан зиёд ширинликлар ва 100-120 тонна макарон маҳсулотлари тайёрланяпти. Очиғи, Тошкентнинг ширин нонлари, қандолатию турли-туман макарон маҳсулотларини фақат пойхахтликларгина эмас, балки шаҳар атрофидаги туманлар аҳолиси ҳам севиб харид қилишади.

Дарҳақиқат, маҳсулот сифатига гап йўқ. Биз бунга корхона цехларини айланиб, ишонч ҳосил қилдик. Бу ерда замонавий технология ускуналаридан фойдаланиб, жаҳон андозаларига мос келадиган маҳсулотлар тайёрланяпти. Айни пайтда бирлашма Олмониянинг фирмалари билан ҳамкорликда "Винкер" линияларини жорий этмоқда. Ишлаб чиқариш тубдан ўзгармоқда. Жамоа аҳли ҳам ўз самарали меҳнатидан мамнун. Сабаби — улар учун барча шароитлар муҳайё.

Дарвоқе, корхонага қадам ранжида қилишимиз биланоқ бу ерда ишчи шахсига алоҳида эътибор берилишига дуч келдик. Қандай қилиб дейсизми? Бирлашма директори кабинетига кирганимизда у касаба уюшмаси раиси ва бош муҳандис билан биргаликда уй олиш учун навбатда турган 63 ишчидан 20 тасига ёрдам тариқасида биринчи тўлов пулини ўтказганликлари ҳақида ўзаро суҳбатлашаётган эканлар.

— Бу ҳаммаси бўлиб 90 минг сўмни ташкил этади, — дейди касаба уюшмаси раиси Жамолиддин Исомов. — Бундан ташқари, бирлашманинг 1300 ишчи ва хизматчиларининг ҳар бирига қиш фасли олдидан 400 сўм миқдорида картошка ва сабзи учун ёрдам пули улашдик.

Ишчиларнинг соғлигини тиклаш, дам олишини таъминлаш учун ҳамма шароитлар яратилган. Санаторий, курортларга бериладиган йўлланмаларнинг маълум қисми қиймати маъмурият ҳамда касаба уюшмаси томонидан тўланяпти. Уй-жойга муҳтож оилаларнинг муаммолари ҳам ўз ечимини топмоқда.

Шу боис корхонада ҳамжиҳатлик ҳукмрон. 12 та ихтисослашган дўконларда қайси, қай турдаги маҳсулотлар тез харид қилиниши, яъни чаққон кетиши ўрганилиб, маҳсулот турлари кўпайтирилмоқда. Келгусида бундай махсус дўконлар сонини 100 тага етказиш мўлжалланмоқда.

Ҳозир 60—100 граммлик нон маҳсулотларини тайёрлаш ишлари йўлга қўйилган. Яқинда яна бир янги цех ишга туширилди. Диабет касаллигига чалинган кишилар учун махсус ширин булочкалар тайёрлана бошланди. Ишлаб чиқаришда асосий хом ашё саналган ун маҳсулоти асосан қопсиз, катта ҳажмга эга бўлган идишларда сақланмоқда. Бундай тежамкорлик ҳам самарадорлик гарови бўлмоқда.

Бугунга келиб юзлаб савдо ташкилотлари ва ошхоналар корхонадан пешма-пеш маҳсулот оляпти. Ҳозир ушбу савдо ташкилотлари бирлашмадан 9 миллион сўм қарздор. Мана шу қарзлар ўз вақтида тўланса эди, бу ердаги ишлар янада юришиб кетган бўларди.

Айни пайтда муаммолар ҳам йўқ эмас. Бироқ ҳаммаси жойжойида ҳал қилинмоқда. Ун маҳсулотлари мунтазам етказиб берилмоқда. Лекин тайёр маҳсулотларни қадоқлаш муаммоси жамоани бирмунча қийнаб турибди.

— Илгари бу муаммони Ангрен картон заводи билан ҳамкорликда ҳал қилар эдик, — дейди корхона раҳбари Фарҳод Маликов. — Эндиликда бу корхонада ҳам бизга талай талабларни кўндаланг қўймоқда. Буни уддалаб турибмиз: 1992—93 йилларда ушбу заводга 40 тонна қоғоз чиқиндилари топширган бўлсак, шу йилнинг 11 ойи давомида 600 тонна чиқиндини топширдик. Муаммони, бироз бўлса-да, ҳал қилиш мақсадида қадоқлаш ишларини бажарадиган машиналарнинг бир қисмини эндиликда ялтироқ пленкаларга мослаштирямиз. Бу изланишларимиз ҳам ҳадемай самарасини бериши турган гап.

Қувонарлиси, корхона нон ва қандолат маҳсулотларини савдо шохобчаларига арзонлаштирилган нархларда жўнатмоқда. Албатта, бу жамоага анча иқтисодий зарар келтириши табиий. Лекин давлат бу зарарларни қоплаш учун маблағ ажратмоқда. Бирлашма аҳли ҳам ушбу шароитда қўл қовуштириб тургани йўқ. Аҳил жамоа сувни, электр энергияни тежаш, машиналарга кетаётган харажатларни қисқартириш эвазига зарарни қоплашга интилмоқда.

Яна бир янгилик шуки, кўпгина корхоналар бозор иқтисодиёти шароитида қарз ботқоғига ботаётган бир пайтда Тошкент нон ва қандолат маҳсулотлари бирлашмаси йилни 6,5 миллион сўмдан ортиқ фойда билан якунламоқда. Бу кўрсаткич кичик рақам эмас. Корхона бундай ютуққа ўз раҳбарининг ишбилармонлигию аҳил жамоанинг тинимсиз саъйи-ҳаракати туфайли эришмоқда.

Шаҳар узра оқшом чўкяпти... Кўчаларни туни билан чароғбон этувчи чироқлар ҳар доимгидек нур сочмоқда. Йўлакларда одамлар оқими ҳам сийраклашган. Лекин биз ҳикоя қилган Тошкент нон ва қандолат бирлашмасида худди кундуз кунидек иш қизғин. Бу ерда аҳил жамоа масъулият ва ишонч билан меҳнат қилмоқда. Ҳадемай тонг отадию улар тайёрлаган иссиқ бўрсилдоқ нонлару, ширин-шакар қандолатлар шаҳарликлар дастурхонига етказиб берилади. Уни тановул қилган пойтахтликлар "қўлингиз дард кўрмасин, азизлар!" дейиши турган гап.

Аслиддин ОРТИҚОВ,
Маъмуржон УМРЗОҚОВ.



Суратларда: корхонада тайёрланган сифатли маҳсулотлар пешма-пеш савдо дўконларига жўнатилмоқда.

А. ТЎРАЕВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛИГИГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН НОМЗОДЛАР РЎЙХАТИ

Сайлов округининг тартиб рақами ва номи	Фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи, лавозими, туғилган санаси, партияга мансублиги, турар жойи
Тошкент шаҳри бўйича	
1 Саноат	**Каримов** Азиз Юнусович — "Чевар" акционерлик жамияти раиси, 1946 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди
2 Оқтепа	**Темуров** Шукур Салим — Ўзбекистон Республикаси "Маҳалла" хайрия жамғармаси бошқаруви раиси, 1936 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди
3 Акмал Икромов	**Алимов** Баҳодир Ғуломович — республика "Ўзсувқурилиштранс" бирлашмаси бош директори, 1943 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди
4 Бектемир	**Қосимов** Ботир Маҳкамович — "Ўзинтранс" халқаро юк ташиш қўшма автотранспорт корхонаси директори, 1947 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди
5 Дархон	**Ҳикматуллаев** Неъмат — "Ўзоғирсаноат" ижара корхонаси директори, 1921 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди
6 Улуғбек	**Джелилев** Эдем Муротович — "Ўзқурилишмеханизация" бирлашмасига қарашли Тошкент тажриба экспериментал механика заводи директори, 1951 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди
7 Қорасув	**Ақназаров** Фаррух Амирович— Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институти декани, 1950 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди
8 Тракторсозлар	**Сартаев** Абдуғофир Мамажонович — Тошкент 3-сон трамвай-троллейбус депоси бошлиғи, 1955 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди
9 Миробод	**Мартьянов** Михаил Зиновьевич— Ўзбекистон темир йўллари машиналарини таъмирлаш ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, 1936 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди
10 Файзиобод	**Алимбоев** Абдуманап Абдураимович — "Ўзэлектроаппарат" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори,1947 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди
11 Чуқурсой	**Абдураимов** Хотам Маҳкамович — Тошкент шаҳар ҳокими биринчи ўринбосари, 1950 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди
12 Собир Раҳимов	**Содиқов** Абдужамил — Ўзбекистон ва Малайзия нефтни қайта ишлаш қўшма корхонаси директори, 1942 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди
13 Қорақамиш	**Раҳматуллаев** Файзулла Нигматуллаевич — Тошкент чинни заводи директори, 1941 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди
14 Сирғали	**Юнусхўжаева** Муборак Йўлдошевна — Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, 1933 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди
15 Қўйлиқ	**Қирғизбоев** Алижон Элчибоевич — "Мебель" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси директори, 1945 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди
16 Машинасозлар	**Даминов** Турғунпўлат Обидович — Тошкент давлат медицина институти ректори, 1941 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди
17 Самолётсозлар	**Иноғамов** Ҳотам Иноғамович — 4-сон давлат лойиҳалаш институти акционерлик жамиятининг директори, 1940 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди
18 Ҳамза	**Азизов** Ҳуснулла Ҳамидуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари, 1954 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди
19 Дўмбробод	**Ашуров** Муҳсинжан Хурамович — "Фонон" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, 1949 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди
20 Чилонзор	**Мелкумов** Александр Николаевич — "Совпластитал" қўшма корхонаси бош директори, 1940 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди
21 Мевазор	**Товаровский** Виталий Михайлович — "Ўзбекнефтгазқурилиш" монтаж ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи,1935 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди
22 Шайхонтоҳур	**Қаюмов** Азизхон — Ўзбекистон Республикаси ФА қўлёзмалар илмий текшириш институти директори, 1926 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди
23 Оқлон	**Зокиров** Фаррух Каримович— "Туркистон" саройи бош директори, 1946 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди
25 Марказий	**Тошпўлатов** Абдуваҳоб Абдураҳмонович — "Юлдуз" тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, 1935 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди
26 Ғайратий	**Абдуллаев** Бахтиёр Рустамович — Тошкент шаҳар 17-сон касалхонаси бош врачи, 1945 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди
27 Юнусобод	**Рашидова** Сайёра Шарофовна — Ўзбекистон Республикаси ФА химия, физика ва полимерлар институти директори, 1943 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди
28 Чинобод	**Алиев** Акбар Усмонович — Ўзбекистон Республикаси ФА астрономия институти директори ўринбосари, 1938 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди
29 Бошлиқ	**Ғуломов** Латиф Ёқубович — Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби, 1956 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди
30 Ракат	**Соҳибов** Яшин Даминович — Гемотология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти директори, 1939 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди
Андижон вилояти бўйича	
31 Мустақиллик	**Ваҳобов** Исоқжон Махамаджонович — "Андижон" агросаноат фирмаси бош директори, 1947 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Андижон шаҳрида яшайди
32 Озодлик	**Раҳимов** Бектош Раҳимович — Республика фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши раиси, 1924 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди
33 Шифокор	**Холиқов** Эгамберди — Андижон шаҳар 18-сон ўрта мактаб директори, 1956 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Андижон шаҳрида яшайди
34 Саноат	**Ҳасанов** Шавкат Ҳасанович — Андижон шаҳридаги "Коммунар" заводи директори, 1945 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Андижон шаҳрида яшайди
36 Балиқчи	**Мирзаабдуллаев** Мирзамайдин — Балиқчи туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги раиси, 1948 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Балиқчи туманида яшайди
37 Оқолтин	**Ҳожиев** Аҳмаджон — Комсомолобод туманидаги "Улуғнор" ширкатлар уюшмаси раиси, 1945 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Комсомолобод туманида яшайди
38 Шаҳрихон	**Парпиев** Мухторжон — Шаҳрихон шаҳар 126-сон хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна прораби, 1941 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Шаҳрихон туманида яшайди
39 Юқори Шаҳрихон	**Отабоев** Мухтор Қурбонович — Ўзбекистон ХДП Шаҳрихон туман кенгаши биринчи котиби, 1953 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Шаҳрихон туманида яшайди
40 Истиқлол	**Эгамбердиев** Авазбек Ҳусанович — Асака шаҳридаги 1-сон пахта тозалаш заводи муҳандиси, 1958 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Асака шаҳрида яшайди
41 Асака	**Меҳмонов** Олимжон Маҳаммаджонович — Асака туманидаги "Ўзбекистон мустақиллиги" жамоа хўжалигида бригада бошлиғи, 1963 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Асака туманида яшайди
42 Марҳамат	**Тўраев** Акбарали — Марҳамат тумани агросаноат уюшмаси раиси, 1944 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Марҳамат туманида яшайди
43 Булоқбоши	**Юнусов** Исмоил Халилович — Булоқбоши туманидаги Б. Ражабов номли жамоа хўжалиги бош агрономи, 1961 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Булоқбоши туманида яшайди
44 Хўжаобод	**Мухтаров** Расулжон Мухтарович — Ўзбекистон Андижон ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби, 1947 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Андижон шаҳрида яшайди
45 Жалолқудуқ	**Ғаниев** Бўрибой — Жалолқудуқ туманидаги Қатортол қишлоғи фуқаролари йиғини раиси, 1948 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Жалолқудуқ туманида яшайди
46 Қўрғонтепа	**Аҳмедов** Бори — ЎР ФА шарқшунослик институтининг бош илмий ходими, 1924 йилда туғилган, партиясиз, Тошкент шаҳрида яшайди
47 Султонобод	**Сиддиқов** Равшанбек Иномжонович — Қўрғонтепа туманидаги Ш. Рашидов номли агрофирма директори, 1952 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Қўрғонтепа туманида яшайди
48 Пахтаобод	**Абдуғаниев** Зайнидин — Пахтаобод туманидаги "Озод" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, 1953 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Пахтаобод туманида яшайди
49 Избоскан	**Мансуров** Усмон — Избоскан тумани фахрийлар кенгаши раиси, 1920 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Избоскан туманида яшайди
50 Пойтуғ	**Юлчибоев** Сидиқ — Избоскан туманидаги шойи тўқиш фабрикаси директори, 1944 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Андижон шаҳрида яшайди
51 Хартум	**Абдиҳакимов** Абдимажид Абдирайимович — Андижон тумани Хирабек қишлоғи фуқаролар йиғини раиси, 1957 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Андижон туманида яшайди
52 Куйганёр	**Худойбердиев** Толибжон Солиевич — Андижон қишлоқ хўжалиги институти кафедра мудири, 1946 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Андижон туманида яшайди
Бухоро вилояти бўйича	
53 Бухоро	**Мўминов** Акром Иброҳимович — Бухоро медицина институти ректори, 1937 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Бухоро шаҳрида яшайди
54 Файзулла Хўжаев	**Давронов** Камол Ғофурович — Хўжаликлар ихтиёрида қоладиган пахта, пилла, жун ва қоракўл тери сотишини таъминловчи вилоят ассоциацияси раиси ўринбосари, 1962 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Бухоро шаҳрида яшайди
55 Тўқимачилик	**Жамолов** Ҳулкар Боҳодирович — Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси, 1930 йилда туғилган, партиясиз, Тошкент шаҳрида яшайди
56 Галаосиё	**Жўраева** Саида Тешаевна — Ўзбекистон ХДП Бухоро туман кенгаши биринчи котиби, 1953 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Бухоро туманида яшайди
57 Вобкент	**Қурбонов** Шуҳрат Тешақулович — Вобкент туманидаги И. Наимов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси муовини, 1961 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Вобкент туманида яшайди
58 Жондор	**Ботиров** Акрам Кўкламович — Жондор туманидаги Т. Ҳотамов номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, 1951 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Жондор туманида яшайди
59 Когон	**Равшанов** Ҳамит Бобоқулович — "Бухоросаноатқурилиш маҳсулотлари" ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, 1952 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Когон туманида яшайди
60 Олот	**Эргашев** Қорёғди Тошқулович — Олот туманидаги "Пахтакор" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси муовини, 1953 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Олот туманида яшайди
61 Пешку	**Нуруллаев** Джалалетдин Каримович — Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши биринчи котиби, 1947 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Бухоро шаҳрида яшайди
62 Ромитан	**Шукуров** Раззоқ Фаттоевич — Ромитан тумани халқ таълими бўлими мудири, 1950 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Ромитан туманида яшайди
63 Шофиркон	**Абдуваҳобов** Абдували Абдусаматович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси вице-президенти, 1941 йилда туғилган, партиясиз, Тошкент шаҳрида яшайди
64 Қоракўл	**Раззоқов** Қосимжон Рўзиевич — Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Қоракўл тумани қўмитаси биринчи котиби, 1964 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Қоракўл туманида яшайди
65 Сармижон	**Истамов** Баҳодир Ваҳобович — Ғиждувон тумани давлат муассасалари ходимлари касаба уюшмалари қўмитаси раиси, 1958 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Ғиждувон туманида яшайди
66 Ғиждувон	**Ҳожиева** Ойдин — "Саодат" ойномаси бош муҳаррири, 1942 йилда туғилган, партиясиз, Тошкент шаҳрида яшайди
Жиззах вилояти бўйича	
67 Жиззах	**Жўрабоев** Эргаш — Жиззах шаҳар "Кўтарма" маҳалла фуқаролари йиғини раиси, 1949 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Жиззах шаҳрида яшайди
68 Учтепа	**Зиятов** Парда — Жиззах туманидаги Ҳ. Носиров номли жамоа хўжалигида бригада бошлиғи, 1947 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Жиззах туманида яшайди
69 Зарбдор	**Эшбаев** Сагдулла Абдуллаевич — Жиззах тумани ҳокими, 1951 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Жиззах туманида яшайди
70 Бахмал	**Зиёдуллаев** Сайфидин — Бахмал туманидаги "Гулбулоқ" ижара ширкатлар бирлашмаси раиси, 1937 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Бахмал туманида яшайди
71 Ғаллаорол	**Қурбонов** Даврон — Ғаллаорол туманидаги Маржонбулоқ олтин кони раҳбари, 1954 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Ғаллаорол туманида яшайди
72 Зомин	**Суюнов** Азим Алимович — "Ўзбекистон овози" газетаси бош муҳаррири, 1948 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди
73 Мирзачўл	**Нишонов** Содиқ Ахматович — Жиззах давлат педагогика институти ректори, 1936 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Жиззах шаҳрида яшайди
74 Пахтакор	**Субҳанова** Ғуландом Субҳановна — Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши биринчи котиби, 1950 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Жиззах шаҳрида яшайди
75 Фориш	**Эшонов** Баҳодир Отабоевич — Ўзбекистон Республикаси Олий Суди раисининг ўринбосари, 1947 йилда туғилган, партиясиз, Тошкент шаҳрида яшайди
Навоий вилояти бўйича	
76 Навоий	**Қобулов** Самандар Қаландарович —Навоий вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи, 1955 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Кармана шаҳрида яшайди
77 Кармана	**Юрикова** Людмила Петровна — Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши иккинчи котиби, 1947 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Навоий шаҳрида яшайди
78 Навбаҳор	**Рўзиқулов** Ўктам Яндошович — Навоий вилояти "Бунёдкор" ассоциацияси бош директори, 1949 йилда туғилган, ХДП аъзоси, Навбаҳор туманида яшайди
